

«Лаа илааха иллаллоҳ»нинг фазли

Image not found or type unknown



04:27 / 21.09.2025 1478

دُبَعَلِاقْ اَمَ :لِاقْ مَلَسَوْ هِيَ لَعْلَلِ اَصِي بِن لِنَعُ هُوَ عُل لَلِ اِي ضَرَّ رِي بَ اَنْ ع
شَرَعْلَا اِي صِفْتِ اِي حَمَّ سَلْ اَبْ اَوْ بَ اَهْ لَ تَحْتُ فِ اِلْ اَصْلُ حُمُّ طُقْ هَلْ اِلْ اَهْ اِلْ
رِي اَبْ كَلْ اِتْبِنُ تَجْ اَمَ

Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қачон бир банда ихлос билан «Лаа илааха иллаллоҳ»ни айтса, албатта, унга (унинг айган сўзига) токи аршга етиб боргунча осмоннинг эшиклари очилур (модомики гуноҳи кабиралардан четланилган бўлса)», дедилар».

Шарҳ: Бундан зокир зикрнинг фойдасидан баҳраманд бўлиши учун гуноҳи кабираларни қилмаган бўлиши кераклиги келиб чиқади. Ана шунда унинг

зикри аршгача етиб боради ва дуолари ҳам қабул бўлади.

Бу ҳадиси шарифда «Лаа илааҳа иллаллоҳ»нинг фазли қанчалар улуг экани баён қилинмоқда.

«Лаа илааҳа иллаллоҳ» калимаси Аллоҳдан ўзга барча нарсадан илоҳлик – ибодатга сазоворликни манфий қилади.

«Лаа илааҳа иллаллоҳ» калимаси илоҳлик, яъни ибодатга сазоворликни фақат Аллоҳ таолонинг Ўзига исбот қилади.

«Лаа илааҳа иллаллоҳ» тавҳид калимаси, калимаи тоййиба ва ихлос калимаси ҳам дейилади.

Уламолар «Лаа илааҳа иллаллоҳ»ни қисқача қилиб, «тахлил» деб атайдилар. Китобларда «Таҳлил айтди» деган ибора келса, «Лаа илааҳа иллаллоҳ»ни айтди, деб англаш лозим.

«Лаа илааҳа иллаллоҳ» калимаси барча пайғамбарларга юборилган динларнинг хулосасидир.

«Лаа илааҳа иллаллоҳ»ни айтмагунча уни айтишга қодир бўлган кишининг иймони дуруст бўлмайди.

«Лаа илааҳа иллаллоҳ»ни айтиб, шаҳодат келтирган ва Муҳаммад алайҳиссаломнинг Пайғамбарликларини тасдиқлаган одам мусулмон бўлади.

«Лаа илааҳа иллаллоҳ» азон ва иқоматнинг жузъи, яъни бир қисмидир.

«Лаа илааҳа иллаллоҳ» энг афзал зикрдир.

«Лаа илааҳа иллаллоҳ»ни ҳар замон ва ҳар жойда айтиб туриш мустаҳабдир.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 35-жузи

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 2 августдаги 02-07/6202-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.